

# ***МУҲАББАТ, БУ - ...***

**ТўПЛОВЧИ ВА ТАРЖИМОН  
ШОДМОН ОТАБЕК**

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент - 2012

УДК: 821

КБК: 94.8я48 - *Афоризмлар*

М96

Муҳаббат бу... /тўловчи ва таржимон Ш.Отабек.  
– Тошкент: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2012. -96 б.

*Муҳтарам китобхон!*

Ушбу китобчада жамланган муҳаббат ҳақида ҳам  
жиддий, ҳам ним табассум билан айтилган афоризмлар  
сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

КБК 94.8я48

ISBN 978-9943-06-422-5

© Шодмон Отабек, 2012 й.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

кутубхонаси нашриёти, Тошкент – 2012 й.


Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

2013/8  
A621


N1 31698  
181

  
Муҳаббат, бу – эски нарса, аммо ҳар бир  
юрак уни янгилайди.

**Ходи Тоқтош**

  
*Муҳаббат, бу қалбдаги жароҳат.*

**Бен Хехт**

  
Муҳаббат, бу – эркакнинг якка-ёлғиз аёл би-  
лан қаноатланиши.

**Поль Жеральди**

  
*Муҳаббат, бу бир умр давом этадиган қал-  
тислик.*

**Ванда Блоньская**



Муҳаббат, бу – бир-бирини билмайдиган эр-  
как ва аёл ўртасида содир бўладиган нарс.

**Сомерсет Моэм**



*Муҳаббат, бу – кўпинча икки заифликнинг  
узaro учрашуви.*

**Франсуа Мориак**



Муҳаббат, бу – текинга олинган мукофот.

**Рикарда Хаш**



*Муҳаббат, бу – бамисоли уруш, бошлаш  
осон-у, тугатиш қийин.*

**Генри Луис Менкен**

*Муҳаббат, бу – ҳамма нарс. У ҳақда би-  
ладиганимиз шу холос.*

**Эмили Дикинсон**



Муҳаббат, бу бир одамнинг бахти Сизнинг бахтли бўлишингиз шарти эканлигидир.

**Роберт Хайнлайн**



*Муҳаббат, бу энг сўнгги ва энг оғир болалик касалидир.*

(муаллифи номаълум)




Муҳаббат, бу ўз фазилатларимизнинг бошқа одамда намоён бўлишидир.

**Ралф Эмерсон.**




*Муҳаббат, бу бир-бирига тикилиб туриш эмас, балки бир томонга биргаликда тикилишдир.*

**Антуан де Сент-Экзюпери**

  
Севмоқ, демак бошқалар илғай олмаган  
мўъжизани кўрмоқдир.


**Франсуа Мориак**

  
*Севмоқ демак яхши курган одаминг ҳаёти  
билан яшамоқдир.*

**Лев Толстой**

  
Муҳаббат, бу – ишонч.


**Мэрилин Монро**

  
*Муҳаббат, бу – энг яхши косметика.*

**Жина Лоллобрижида**

  
Муҳаббат, бу – юракдаги тиш оғриғи.

**Генрих Гейне**

  
*Муҳаббат, бу – аёл ҳаётидаги тарихий  
воқеа, эркак ҳаётидаги бир лаҳза.*

**Жермена де Сталь**



Муҳаббат, бу – электр токи урганга ўхшайди - ҳеч нарса кўринмайди, аммо одам титраб-қақшайди.

Хенрик Ягодзиньский



Муҳаббат, бу – ширин туш, никоҳ - кўнғироқли соат.

(муаллифи номаълум)



Муҳаббат, бу – бошқа одам билан биргаликда қаршига шайлик.

Альбер Камю



Муҳаббат, бу – фавкулотда ҳолатдир. Юрак бежсо ура бошлайди, жамики ҳиссиётлар жунбушга келади ва, оқибат, ақлу ҳушингдан ҳам айро тушасан. Шу боис сергак бўл.

Магдалена Самозванец



Муҳаббат, бу истироҳат боғидаги ўриндиқ-  
да бўш жой бемалол бўлса-да, икки кишининг  
бир-бирига яқин ўтиришидир.

**(польшалик номаълум ўқувчи қиз)**



Муҳаббат, бу тентакнинг ўз кўз олдига  
комиллашуви учун ягона имкониятдир.

**Оноре Бальзак**



Муҳаббат, бу – ҳаётнинг суғуртаси, шарт-  
номани қанчалик кеч имзоласанг, тўловлар шун-  
чалик баланд бўлади.

**Саша Гитри**



Муҳаббат, бу – зерикишнинг тескариси.

**Антоний Кэмпиньский**





Муҳаббат, бу – уятчанлик туйғусини енгишнинг синалган усули.

**Зигмунд Фрейд**



*Муҳаббат, бу – икки киши ўртасидаги ўйин бўлиб, унда ҳар икки томон учун ютуқ имконияти бор.*

**Анри Ренье**



Чин муҳаббат худди бир саробга ўхшайди, ҳамма у ҳақда гапиради, лекин ҳеч ким уни кўрмаган.

**Франсуа Ларошфуко**



*Бод касали ва чин муҳаббат илк бор безовта қилмагунча ишонмайдилар.*

**Мария Эбнер-Эшенбах**



Севмасдан туриб муҳаббат йўқ экан дейиш  
мумкин эмас.

**Александр Кулич**



Ҳар куни янгилашмайдиган муҳаббат ҳар  
куни ўлаверади.

**Халил Жаброн**



Муҳаббат қанчалар жозибадор бўлмасин,  
ташқи аломатлари унинг ўзидан кўра кўпроқ  
нашъу намо бағишлайди.

**Франсуа Ларошфуко**



Эҳ, ҳиссиётлар тажрибаси ҳис қилишга  
қанчалар ҳалақит беради!

**Альфонс Доде**



Муҳаббатни эшикдан ҳайдасанг, тешикдан  
кираверади.

**Козьма Прутков**



*Муҳаббат ҳамма нарсадан голиб чиқади.*

**Вергилий**



*Ҳар биримиз севганимиз худди ўзимиз каби  
ўйлашини ғойибона истаймиз.*

**Ким Чернин**



*Қурқоқлик муҳаббатга қарши энг катта  
зуноҳдир.*

**Анатоль Франс**



*Муҳаббатингни ва ёшингни яширолмайсан.  
(муаллифи номаълум)*



*Муҳаббат ягонадир, аммо унга нисбат бе-  
рилган сохталиклар сон-саноксиз.*

**Франсуа Ларошфуко**

Ҳеч қандай муғамбирлик муҳаббатнинг бор  
ёки йуқлигини узоқ вақт яширолмайд.

Франсуа Ларошфуко

*Бир-бирини тушуниш учун умумий мушта-  
ракликлар, бир-бирини севиш учун эса, алоҳи-  
да ажралиб турадиган жиҳатлар керак.*

Поль Жеральди

Муҳаббатнинг сир-асрори тугаганда нашъу  
намози ҳам тамом бўлади.

Афра Бен (XVII-аср)

*Муҳаббатда голиблар бўлмайдилар, маг-  
лублар бўлади.*

Веселин Георгиев

*Сен у севармикин деб сўраянсаними? Сев-  
майди. Агар севганида сўраб ўтирмасдинг.*

Лех Якуб

Севги ҳам худди тиббиётга ўхшайди: ёмон  
дўхтир сермулозаматроқ бўлади.

**Вицентий Стисъ**

*Ҳеч қачон биргаликда қулишолмайдиган  
одамни чинакамига севиш мумкин эмас.*

**Агнес Репплайер**

Севгини сақлаб қолиш учун севгидан таш-  
қари ҳам яна нимадир бўлиши керак.

**Натальел Бранден ва  
Диверс Бранден**

*Ҳаётда фақат биргина бахт бор – севиш  
ва севилиш.*

**Жорж Санд**

Аёл севганида заиф, севилганида эса, кучли  
бўлади.

**Эрих Остерфельд**



*Севимли бўлиш учун, яхшиси, гўзал бўлиш керак, аммо гўзал бўлиш учун сеvimли бўлиш лозим.*

**Франсуаза Саган**



*Севимли бўлгинг келса, сев.*

**Сенека**



*Одамзодда севгига эътиёж шу қадар кучли бўладики, айрим аёллар ҳатто уз эрларини сева бошлайдилар.*

**Питигрилли**



*Аёл киши ишқий саргузаштлари ҳақида гап-сўз бўлишини истамайди, аммо ўзининг суюкли эканлигини ҳамма билишини хоҳлайди.*

**Андре Моруа**



*Бегараз муҳаббат бўлмайди. Агар сен «Мен сени севаман» дер экансан, бу «Мени севгин» деганингдир.*

**Андре Бирабо**



*Севги ҳамиятдан устундир, аёлни ҳатто у сиздан нафратланса ҳам севиш мумкин.*

**Люк де Вовенарг**



*Менинг сиймомдаги сен яхши курган одам, албатта мендан яхшироқдир, мен ундай эмасман. Аммо сен севгин, мен эсам, узимдан яхшироқ булишга интиламан.*

**Михаил Пришвин**



*Севмоқ яхшими ёки севилмоқ? Севмоқ. Шунда лоақал сизда танлаш имконияти бўлади.*

**Леон Трейч**



*Нега севилишдан кўра севмоқ афзал дейишади? Чунки шуниси ишончлироқ.*

**Саша Гитри**



*Аёл киши учун севимли бўлмаслик – бахтсизлик, ҳеч қачон севмаслик – фожеа.*

**Дороти Дикс**



*Бир кўришдан то охирги нафасгача севиб қолиш олий орзудаги севгидир.*

**Тядеуш Фанграт**



*Севимли бўлиш қанчалик осон, севиш қанчалик қийин.*

**Фрэнсис Скотт Фицджеральд**



*Бир кўришда севиб қолиш энг кўп тарқалган кўз касаллиги кабидир.*

**Жино Черви**





**Фақат бир кўришда севиб қолишгина чин муҳаббат бўлиши мумкин. Иккинчиси таассуротни ўтмаслаштиради.**

**Изрейел Загвилл**



**Бир кўришда севиб қолиш вақтни яхшигина тежайди.**

**Янина Ипхорская**




**Бир кўришда севиб қолиш мумкинми? Бу — энди қаёққа қарашга боғлиқ.**

**Лешек Кумор**



**Бир кўришда севиб қолишни тушунса бўлади. Аммо йиллар давомида бир-бирини кўрадиган одамларнинг муҳаббатини қандай изоҳлаш мумкин?**



Эндиликда муҳаббат кўпинча бир кўришда бошланиб, иккинчисида тугайди.

**Янина Ипхорская**

*Бир кўришдаги муҳаббатга ишонса бўлади, аммо яна бир қараб қўйиш зиён қилмайди.*  
(муаллифи номаълум)

Муҳаббат абадийдир, фақат севишганларгина алмашиб турадилар.

**Мартин Кэрол**

*Муҳаббат мезони мезонсиз муҳаббатдир.*  
**Франциск Салезский (XVII-аср)**

Чексиз муҳаббат одамни кўп жиҳатдан чегаралаб қўяди.

**Мечислав Станцлик**



*Кичик муҳаббат учун уddaбуронлик кифоя,  
каттаси учун истеъдод керак.*

**Вицентий Стись**



*Чин муҳаббатнинг бахтли ниҳояси бўлмай-  
ди, чин муҳаббат ниҳоясиздир.*

**(муаллифи номаълум)**



*Агар муҳаббат абадий бўлса, бошқа аёллар  
нима билан яшаганлар?*

**Станислав Ежи Лец**



*Кўзичоқнинг бўрига муҳаббати сўнгги на-  
фасигача давом этади.*

**Юзеф Булатович**



*Ўзингни бутунлай бахшида қилиш учун  
ўзингдан воз кечмоқ лозим.*

**Виолетта Ледюк**



Оташин муҳаббат бўш вақтни тақозо қилади.  
**Андре Моруа**



*Муттасил эъозланган аёл соғлом фикр  
юритолмай қолади.*  
**Зигмунт Калужинский**



Эс-ҳушини йўқотгудай севганди, шу боис  
маъшуқасини тезда унутди.  
**Тадеуш Гицгер**



*Жамики абадий парсалар орасида муҳаб-  
бат узоқ давом этмайди.*  
**Жан Батист Мольер**



Жамики аёлларни севмоқ биттасини севиш-  
дан кўра осонроқдир.  
**Этьен Рей**



*Илк муҳаббат озроқ тентаклик ва кўпроқ қизиқувчанликни тақозо этади.*

**Бернард Шоу**



*Илк муҳаббатни бир неча бор бошдан ўтказдилар.*

**Лешек Кумор**



*У мен севган биринчи, аниқроғи, биринчи бўлиб шунга ишонган одамдир.*

**Янина Ипохорская**



*Биринчи муҳаббатнинг жозибаси шундаки, сен ҳали унинг биринчи эканлигини билмайсан.*

**Бенжамин Дизразли**



*Ҳамиша илк муҳаббатга қайтадилар.*

**Шарль Этьен**

Биз хаёлан сўнггисини тугатиш учун биринчи муҳаббатга қайтамиз.

**Лешек Кумор**

*Эркаклар ҳамиша аёлларнинг илк муҳаббати бўлишни истайдилар. Аёллар бу масалада зийракроқдир. Улар эркакларнинг сўнгги муҳаббати бўлишни хоҳлашади.*

**Оскар Уайльд**

Кечиккан муҳаббат тақдирнинг арзонлашган тухфасидир.

**Леонид Крайнов-Ритов**

*Менинг илк севгим туртинчи эримдир.*

**Беата Тишкевич**

Биз ҳамиша илк севгимизнинг сўнгги, сўнггисининг эса, илк севги эканлигига ишониб келамиз.

**Жорж Уайт-Мелвилл**

*Ҳар қандай муҳаббат ҳам бир қунмас бир  
қун тугайди, бахтимизга жавобсиз севги ҳам  
шундай яқун топади.*

Люцина Винницкая

*Ичяптими, демак, севади.*

Виталий Песков

*Севгида омади чопган одам у ҳақда ҳеч  
қандай тушунчага эга бўлмайди.*

Жан Ануй

*Натижасиз севгидан сўнг эркаклар сўққабош  
бўлса, аёллар эрга тегиб кетадилар.*

(муаллифи номаълум)

*Илк севгисини унутолмайдиганлар сўнгни-  
сини билолмайдилар.*

Давид Бурлюк

Агар аёл жозибали бўла бошлаган бўлса, де-  
мак, у севиб қолган.

**Адальберт Шамиссо**

*Муҳаббат қанчалик кучли бўлса, унинг  
аломатлари шунчалик жўн бўлади.*

**Михал Хороманьский**

Муҳаббатнинг ибтидоси ва интиҳосида бир  
хил аломат зоҳир бўлади: севишганлар ёлғиз  
қолганларида ноқулай аҳволга тушадилар.

**Франсуа Ларошфуко**


*Чин муҳаббат белгиси шундаки у ўтиб ке-  
тади. Ўтиб кетмайдигани бор-йўғи муҳаббат  
саробидир.*

**Габриэль Лауб**

Атиргуллар игнаси ўткирлигида гўзалдир.


**Леонид Леонидов**






*Фақат хунук аёлларгина чин севгига  
қодирдирлар, чунки улар ўзларига маҳлиё  
бўлмайдилар.*

**Корнель Макушиньский**




Хотинлар бизни бахтли қилишнинг фақат бир  
усулини, бахтсиз қилишнинг эса, ўттиз минг  
хилини биладилар.

**Георх Гейне**



*Аёллар маглубларни севадилар, аммо  
голиблар билан док олишиб, хиёнат қила-  
дилар.*

**Теннесси Уильямс**



Муҳаббат эркакни сўқир қилиб, аёлнинг  
кўзини каттароқ очиб қўяди.

**Эрих Мария Ремарк**

*Кучли севган томоннинг ҳам ва умуман севмаган одамнинг ҳам кўнглини олиш бирдай мушкулдир.*

**Франсуа Ларошфуко**

*Мен уни севганлигимни кечирмайман.*

**Антон Чехов**

*Нега энди мен унинг камчиликларидан кузюмишим керак, агар улар менга ёқса?*


**Михаил Генин**

*Севгидан ўлиш, демак, севги билан яшашдир.*

**Виктор Гюго**

*Муҳаббат қоронгуликни яхши кўради, чунки унинг кўзи кўр.*


**Тадеуш Гицгер**

  
Кўр-кўрона севган одамнинг кўзи очилган-  
да қарайдиган нарсанинг ўзи бўлмайди.


**Владислав Гжегорчик**

  
*Муҳаббатнинг эмас, рашкнинг кўзи кўрдир.*


**Лоренс Даррелл**

  
Икковлон бир-бирини севса, бунинг бахтли  
якун топиши мумкин эмас.

**Эрнест Хемингуэй**

  
*Аёлни эркакнинг зулми эмас, унинг бепар-  
волиги азоблайди.*

**Жюль Мишле**

  
Агар садоқатли эркакни учратсанг, ундан  
дастхат ол.

**Зофья Келян**



*Гўзал аёллар камдан-кам бир ўзи қоладилар,  
аммо ёлғизлик аламини тортадилар.*

**Хенрик Ягодзиньский**



*Чинакам ёлғизлик, бу олдингда сени тушун-  
майдиган одамнинг бўлишидир.*

**Эльберт Хаббард**



*Хаёлпарастлар ёлғиздирлар.*

**Эрма Бомбек**




*Сени севганларида ҳеч нарсадан шубҳалан-  
майсан. Мабодо ўзинг севиб қолсанг, ҳамма нар-  
садан шубҳаланаверасан.*


**Сидония Колетт**




*Фожеа севгининг ўткинчилигида эмас,  
фожеа ўтиб кетмайдиган муҳаббатдадир.*

—  —  
Муҳаббат йўқ жойдан пайдо бўлади ва  
ҳамма нарса туфайли тугайди.


**Альфонс Карр**

—  —  
*Севги куртак ота бошлаганда севишган-  
лар келажак ҳақида, тугаётганида эса,  
ўтмиш ҳақида сўзлайдилар.*


**Андре Моруа**

—  —  
Аёл ўзини унга топширди, аммо қайтиб  
олишни истамади.

**Станислав Ежи Лец**

—  —  
*Муҳаббат оқ-воҳлардан бошланиб, эсноқ  
билан тугайди.*

**Андре Бирабо**

—  —  
Муҳаббатда энг муҳими бошланиши, шу  
боис биз тез-тез бошлаб турамиз.

**Шарль де Линь**



*Агар икковлон ўзаро шивирлашса бу – му-  
ҳаббатнинг бошлангани. Агар ҳамма шивир-  
шивир қилса, бу муҳаббатнинг тугаганидир.*

**Влада Булатович- Виб**



*Севимли аёлдан жудо бўлишдай изтиробли  
ва қисқа жудолик йўқ.*

**Люк де Вовенарг**



*Аёл билан танишиш учун бир неча дақиқа  
кифоя, уни яқиндан билиш учун йиллар керак,  
уни чинкамига билиш учун эса, ундан воз кеч-  
моқ лозим бўлади.*

**Хораций Сафрин**



*Сўққабош аёллар билан тезда топишиб ёки  
уларни ташлаб кетадиган ва бу ҳар икки ишни  
бирдай ёқтирадиган эркак эркакдир.*

**«Плейбой»**

*Ҳар икки хотиндан ҳам ёлчимадим. Биринчиси мени ташлаб кетди, иккинчиси ҳали ҳамон мен билан яшайпти.*

**Патрик Марри**

*Севгининг давоси никоҳдир.*

**Антоний Унеховский**

*Севгининг ва шамоллашнинг давоси бўлмайди. Улар ўзлари ўтиб кетади.*

**Янина Ипохорская**

*Инсоннинг ёши энг яхши сеvgи дориси.*

**Михаил Генин**

*Севгида ёшлар қиладиган ишлари учун, кексалар эса, қилмайдиган ишлари учун пул тўлайдилар.*

**Пьер Бомарше**

Хонимга ақлдан озгудай ошиқ бўлдилар. Ақл  
жойидалигида эса, сергак тортдилар.

**В. Макосий**

*Бегараз севги бахт келтирса, гаразлиси  
пул келтиради.*

**Тадеуш Гицгер**

Биронта аёл аҳмоқни ақлли қилолмайди,  
аммо уларнинг кўпчилиги энг оқилни ҳам қип-  
қизил аҳмоқ қилиб қўя оладилар.

**Моисей Сафир**

*Сотиладиган севгининг баҳоси олдиндан  
маълум.*

**Станислав Ежи Лец**

Нархи арзон хотинлар кўпинча қимматга  
тушади.

**Мечислав Шарган**





*Бахтли никоҳни синашнинг икки йўли бор  
– бойлик ва қашшоқлик.*

**(муаллифи номаълум)**



*Ўзига тўқ одамлар ҳаётда энг муҳими севги  
деб ўйлайдилар, қашшоқлар эса, энг муҳими пул  
эканлигини биладилар.*

**Жеральд Бренан**



*Хотин киши ҳар қандай миллиардерни ҳам  
миллионер қила олади.*

**Чарлз Чаплин**



*Хотинлар севгисининг қадру қиммати кўйди-  
чиқдида билинади.*

**(муаллифи номаълум)**



*Сотилмайдиган аёллар ҳаммасидан қим-  
матга тушади.*

**Франсуа Мориак**



Дўстлик муҳаббат билан тугаши мумкиндир,  
аммо муҳаббат ҳеч қачон дўстлик билан тугамайди.

**Чарлз Калед Колтон**



*Муҳаббат бурч бўлган жойда нафрат лаз-  
затига айланиши мумкин.*

**Чарлз Буковский**



Муҳаббатнинг тескариси нафрат эмас, ло-  
қайдлик.

**Ролло Мей**



*Севганингни соғиниб яшаш – суймаганинг  
билан яшашдан кўра енгилроқ.*

**Жан Лабрюйер**



Нафратни яшириш осон, муҳаббатни яши-  
риш қийин, ҳаммасидан қийини лоқайдликни  
яширишдир.

**Людвиг Берне**

*Жавобли нафратдан кўра, жавобсиз севги  
афзал.*

**Януш Рось**

*Нафратга қарши энг яхши даво - ҳижрон.*

**Янина Ипoxорская**

*Севгига энг муносиб бўлганларга у камроқ  
бахт келтиради.*


**Кристофер Хэпмтон**

*Эркак киши ҳар қандай аёл билан бахтли  
бўлиши мумкин, фақат уни яхши кўриб қолма-  
ган бўлса.*


**Оскар Уайльд**

*Бахтимиз учун етарли бўлган нарса ҳузур-  
ҳаловатимиз учун етарли бўлмаслиги мумкин.*


**Жак Деваль**

  
Муҳаббат реал воқеликни ҳис қилиш туйғу-  
сидан бўлак ҳамма туйғуларни ўткир қилади.


**Жанна Голоногова**

  
*Юракдан севиб қолгунча биз тасаввур би-  
лан севиб қолган бўламиз.*

**Луиза Коле**

  
Ўлим бизни жудо қилмагунча сени севаман,  
ана ўшанда биз мангу қовушамиз.

**Дилан Томас**

  
*Гўзал аёлларни тасаввури гариб одамлар-  
га қолдирамиз.*

**Марсел Пруст**

  
Ҳали биронта эркак севгидан ўлгани йўқ.  
**Александр Фредро**

*Юракда ажишлар эмас, фақат чандиқлар бўлади.*

**Сидония Колетт**

*Биз пулимиздан кўра, юрагимизни бажонидил тақдим этамиз.*

**Ноузл Ковард**

*Юрак ва ақл фақат маслаҳат овозига эга. Ҳал қилувчи овоз танага тегишли.*

**Поль Жеральди**

*Чин муҳаббат орзу билан яшайди ва алдовдан озиқланади. Фақат билмаган нарсанигина чинакам севиш мумкин.*

**Анатоль Франс**

*Севмоқ алданишга рози бўлмоқликдир.*

**Пьер Реверди**

Ёқимли бўлиш санъати алдашни удалай  
олишдир.

Люк де Вовенарг

*Севгида ва об-ҳаво маълумотида ёлгон  
эмас, фақат хатоликлар бўлиши мумкин.*

Иоанна Вилиньская

Масофа эмас, вақт севгини барбод қилади.

Юзеф Булатович

*Узоқ йиллик хижронга эмас, узоқ йиллик  
висолга бардош беролган муҳаббатгина чина-  
камдир.*

Хелен Рауленд

Агар муҳаббат кучли бўлса, кутиш онлари  
бахтдир.

Симона де Бовуар

*Муҳаббатнинг энг хузурбахш лаҳзалари  
зинапоядан маъшуқанг сари кутарилаётган  
онлардир.*

**Жорж Клемансо**

*Рашкнинг йўқлиги ҳисоб-китобли муҳаббат  
аломатидир.*

**Жермена де Сталь**

*Эркакнинг бахти оқшом уйга қайтаётган  
нида бир аёл унинг шарпасига илҳақ-интиқ  
бўлиб турганини сезиб турганидир.*

**Кларк Гейбл**

*Севиш учун куч қолмаганда ҳам рашк учун  
куч топилади.*

**Мария Дембровская**

*Рашк ҳам худди касалликка ўхшайди,  
оқшомга бориб кучаяди.*

**Поль Лотан**



Ҳамма хотинлар ҳам эрларидан шубҳалана-  
вермайдилар, айримлари аниқ билади.

(муаллифи номаълум)



*Севмайдиган эрларини ҳам аёллар рашк  
қиладилар.*

Альфред Конар



Заррача умиди бўлмаган одам рашк қилмайди.

Иван Тургенев



*Агар биз муҳаббат деб аталмиш туйғуга  
камроқ муносиб эканлигимизни тушунганимиз-  
да эди, рашк бу қадар изтиробли бўлмас эди.*

Пол Элдриж



Рашк қилса, севади, рашк қилмаса демак,  
ҳурмат қилади.

А. Стас



*Аёллардан садоқатсизликда шубҳаланишга бизни уларнинг эмас, ўзимизнинг хиёнатларимиз мажбур қилади.*

**Станислав Колетт**

*Ўз эрларини хунук аёллар рашк қиладилар. Чиройли аёллар эса, бегона эрларни рашк қиладилар.*

**Оскар Уайльд**

*Садоқатда озгина ялқовлик, озгина қурқув, озгина ҳисоб-китоб, озгина чарчоқ, озгина ҳафсаласизлик, баъзан эса, ҳатто озгина муҳаббат ҳам бор.*

**Этьен Рей**

*Биратўла бир қанча эркакларни азоблагиси келмайдиган аёллар бор ва улар ўз эътиборини биттасига қаратадилар: булар садоқатли аёллардир.*

**Альфред Капю**

*Агар ҳамма аёллар садоқатли бўлганлариди эди, эркалар хотинларига қандай хиёнат қиларди?*

**Роберто Рокко**

*Биз бир-биримизга қирқ йил муттасил садоқат кўрсатиб келдик. Агар хотиним буни билганида эди, мени отиб ташларди.*

**Хенни Янгман**

*Йигит садоқатли бўлишни истайди-ю, урдалай олмайди, чол хиёнат қилгиси келади-ю, бу иш кулидан келмайди.*

**Оскар Уайльд**

*Ишқий саргузашт ёлғиз одамнинг орзуси, ёлғизлик ишқий саргузашт бошига тушган одамнинг орзуси.*

**Юлиан Тувим**



*Агар эркаклар аёллар ёлғиз қолганида  
нима билан итуғулланишини билганларида эди,  
ҳеч қачон уйланмаган бўлишарди.*

**О.Генри**



Бир одамнинг бошқа одамга жонли қизиқи-  
ши кўпинча учинчи одамнинг дунёга келишига  
сабаб бўлади.

**Хенрик Ягодзиньский**



*Муҳаббат яшашга кўмаклашади дейсиз-  
ми? Кейинги авлодга кўмаклашади.*

**Станислав Ежи Лец**




Салгина қалтисроқ ҳаракат қилсангиз бас –  
сиз отасиз!

**Михаил Жванецкий**




*Бахтимизга, муҳаббат маҳсули сифати  
ўша муҳаббатнинг сифатига боғлиқ эмас.*

**Лешек Кумар**




Муҳаббат бобида аёллар устамон, эркаклар эса, ҳаваскордир.

**Франсуа Трюффо**




*Эркаклар кўзи билан, аёллар эса, қулоқлари билан севадилар.*

**Сари Габор**




Эркак ва аёл муҳаббатининг фарқи шундаки, аёл бутун юраги, қалби билан, эркак эса, бутун ақли ва вужуди билан севади.

**Минна Антрим**



*Аёллар фикри эркакларникидан тозароқ бўлади, чунки у тез-тез ўзгариб туради.*

**Оливер Херфорд**



Аёллар ҳамиша ўзлари етказмаган жароҳатга ҳамдардлик билдирадилар.

**Жан Ануй**

*Аёллар қаҳрамонларни эмас, голибларни севадилар.*

**Робер Кумор**

*Аёллар ҳамма нарсани кечирадилар, аммо кечирганини тез-тез писанда қилиб туради.*

**Симона де Бовуар**

*Севган аёл ҳамма нарсани кечиради, аммо ҳеч нарсани унутмайди.*

**Ҳалил Жаброн**

*Келажаги бор қиз ўтмиши бор эркакдан йироқроқ юргани маъқул.*

**Қадимги ҳикмат**

*Эркакни уйдан ҳайдаш номаъқул иш. Эсдан чиқарманг, у қайтиб келмаслиги мумкин.*

**Е.Васина**



Агар эркак аёлга сўраган ҳамма нарсасини муҳайё қилса, демак, у кўп нарса сўрамаган бўлади.

**Янина Ипохорская**



*Эркак кучоғига ўзни ташлаш ундан қутулишинг энг самарали йўли.*

**Луиза де Вильморен**



Севгида ҳам, сиёсатда ҳам ҳеч қандай қонун-қоидани тан олмайдиган одам ютиб чиқади.

**Ядвига Рутковская**



*Бўйдоқ бўлиб қолиш учун аёлни жуда кучли севмоқ керак.*

**Александр Ратнер**



Севгининг асосида гўё бир аёл иккинчисидан фарқланадигандек англашилмовчилик ётади.

**Генри Луис Менкен**



*Бизнинг асосий хатомиз аёллар бизни севишига ишонганимизда эмас, балки биз ўзимиз уларни севишимизга ишонганимиздир.*

**Саша Гитри**



*Севимли аёл унчалик кўп бўлмайди.*

**Қадимги ҳикмат**



*Таърибасиз қизлардан кўп нарса ўрганиш мумкин.*

**Жованни Казанова**



*Иккисидан бирини танлаш керак – аёлларни билиш ёки уларни севиш. Ўрта йўл йўқ.*

**Никола Шамфор**



*Кунчилик, агар севги ҳақида эшитмаганлариди, ҳеч қачон севиб қолишмасди.*

**Франсуа Ларошфуко**

Агар севган қизингиз яна қолмишига сизга  
ёқиб ҳам қолган бўлса, режаланштирилмаган фой-  
да олдим деб ҳисоблайверинг.

Кларк Гейбл

Эркаклар ҳайратланарли даражада ман-  
тиқсиздирлар: ҳамма аёллар бир хил дейишади-  
ю, муттасил уларни алмаштириб туришади.

Сидония Колетт

Оҳ, гўзаллик, бу – даҳшатли куч!

Семен Надсон

Гўзаллик қудрати ила аёл маъшуқасини  
мафтун этиб, эрини кўрқувда ушлаб туради.

Амброз Бирс

Гўзаллик бир неча йилга берилган тухфа!

Оскар Уайльд



*Шундай гўзал аёлни севмаслик жиноят,  
севиш жазо.*

Вал. Девятый

Меҳр билан қарасанг, ҳамма нарса гўзал ту-  
юлади.

Кристиан Моргенштерн

*Оҳ, шунчалар гўзал аёллар бўлмаганда бу  
дунё янада гўзал бўларди.*

Станислав Ежи Лец

Аёллар учун гўзаллик ақлдан муҳимроқдир,  
чунки эркакларга ўйлашдан кўра тикилиш осон-  
роқ.

Марлен Дитрих

*Мона Лиза шунинг учун ҳам гўзалки, у сир-  
лидир, шунинг учун ҳам сирлики, у жимдир.*

Георгий Ковальчук



Эрталаб соат саккиздан қоқ ярим тунгача  
гўзал бўлиб кўринишга уринишдан ҳам оғир-  
роқ юмуш йўқ.

**Брижит Бардо**



*Дунёда гўзал чехрадан ҳам кўра гўзалроқ  
томоша йўқ ва севгилингнинг овозидан ҳам  
кўра ёқимлироқ муסיқа йўқ.*

**Жан Лабрюйер**



У худди бегонанинг хотини каби гўзал эди.

**Поль Моран**



*Эҳ, бу қандай омадсизлик-а! Гўзал аёллар  
шунчалар кўп, вақт эса, жуда оз!*

**Жон Барримор**



Фавқулодда гўзал аёллар иккинчи бор  
кўришганимизда у қадар ҳайратлантирмайди.

**Стендаль**

*Гўзал аёл уйда фойдаланиш учун яралмаган.*

**Мандалена Сомозванец**

*Жозибасиз гўзаллик бамисоли чувалчангсиз қармоқ кабидир.*

**Нинон де Ланкло**

*Мафтункорлик, бу – ҳаракатдаги гўзаллик.*

**Готхольд Лессинг**

*Мафтункорлик, бу савол бермасдан ҳам «ҳа» жавобини олиш усулидир.*

**Альбер Камю**

*Севгилининг қаҳри заминда ҳам беқиёс жозиба бор.*

**Стендаль**



Ёқимтой бўлиш – эркаклар учун муродга етиш воситаларидан бири, аёллар учун эса, ана ўша муроднинг ўзгинаси.

**Мари де Розмонд**



*Гўзал аёлда гўзалликни, малоҳатли аёлда малоҳатни, ақлли аёлда ақлни кўрамиз, фақат суюкли аёлдангина кўнглимиз тўла қаноат ҳосил қилади.*

**Владислав Гжегорчик**




Ҳавф-хатарнинг кўзига қараш кўрқинчли, агар улар гўзал бўлса.

**Станислав Ежи Лец**




*Нигоҳлар билан ҳамма нарсани айтиш мумкин, аynи чоқда нигоҳлардан ҳаминша топиш ҳам мумкин, чунки у айнан бир хилда тақрорланмайди.*


**Стендаль**

—  —  
Ойимқизлар бокиралигини йўқотмайдилар,  
балки ундан қутуладилар.


**Мечислав Шарган**

—  —  
*Мен баъзан қизарадиган бўлсам, фақат  
ҳузур қилганимдан қизараман.*

**Натали Клиффорд Барни**

—  —  
Бокиралик худди чақмоқтошга ўхшайди, у  
фақат бир мартага ярайди.

**Янина Ипехорская**

—  —  
*Аёлнинг қаршилик кўрсатиши унинг бо-  
киралигидан эмас, тажрибасидан далолат  
беради.*

**Нинон де Ланкло**

—  —  
Жазман – такомиллашган эр.

**Хенрик Хорош**

*Жазман – аёлнинг ҳафсаласини иккинчи марта нир қилган одам. Биринчиси – унинг эри.*

(муаллифи номаълум)

Эр бўлишдан кўра, жазман бўлиш осонроқ, зеро ҳар куни ақлли гапларни топиш аҳён-аҳён ҳазил-мутойиба қилишдан кўра қийинроқдир.

Оноре Бальзак

*Жазман – иккинчи рақамли қурбон.*

Генри Луис Менкен

Жазманлар ўз камчиликларини зўр бериб яширадилар, эр-хотинлар эса, буларни тез-тез бир-бирига ошкор қиладилар.

Пьер Буаст

*Эрнинг дўсти, мабодо жазмани бўлмаса, ҳамиша хотинга душмандир.*

Магдалена Самозванец

Жазмандан халос бўлишнинг йўли осон:  
унга уйланиш кифоя.

Леон Гозлан

У жазманларини худди қўлқондек алмаш-  
тирарди. Қўлқонларини эса, ҳеч қачон алмаш-  
тирмасди.

Эмиль Кроткий

Эркаклар келадилар, кетадилар, айримлари  
яна қоладилар ҳам.

Тамара Клейман

Жазмани билан кетиб қолган аёл эрини  
ташламайди, балки уни бевафо хотиндан ха-  
лос этади.

Саша Гитри

Сиз жазманингизга уйланиш билан янги иш  
жойи яратасиз.

Жеймс Голдсмит



*Энг яхши жазманлардан энг ёмон хотинлар чиқади. Аммо энг ёмон хотинлар ҳеч қачон яхши жазман бўлмайди.*

**Лех Конопиньский**



*Қўйди-чиқди ҳақидаги қарор кўпинча учовлон қабул қилинади.*

**Лешек Кумор**



*Агар икки аёл бир эркакни яхши кўриб қолган бўлса, эркак учун ягона нажот учинчиси билан қочиб кетишдир.*

**Корнель Макушинский**



*Муҳаббат, бу – икки жинс ўртасидаги жанг. Аввал аёл ўзини ҳимоя қилади, эркак – кейин, ютқизганнинг эса, шўри қурийди.*

**Александр Дюма-ўғил**





*Мен олиб борган жанглarning энг огири  
хотиним Олимпия билан бўлган жангдир.*

**Филипп Македонский,  
Александр Македонскийнинг отаси**



*Агар аёл таслим бўлмаса, фолиб чиқади, агар  
таслим бўлса, фолибга ўз шартини қўяди.*

**Карел Чапек**



*Аёлга эришининг энг осон йўли, унга қул  
булишдир. Энг қийини – уни асир қилиш.*

**Владислав Гженшик**



*Жинслар ўртасидаги жанг анъанавий қурол  
воситасида олиб борилади.*

**Станислав Ежи Лец**



*Французлар хотинларини эмас, жазман-  
ларини раиш қиладилар.*

**Жованни Казанова**

Унга ёлғон гапираётисан дема, акс ҳолда  
тўғриси айти бошлайди.

**Иоанна Вилинская**

*Ёқимтой ойимқиз ҳар қандай кийимни  
кийиши мумкин ёки ҳеч нарса киймаса ҳам  
бўлаверади.*

(муаллифи номаълум)

Аёллар худди автобусга ўхшайди: кутганинг  
ҳеч қачон келавермайди.


**«Пшекруй»**

*Қанча кўп ўпишсанг, бемани гапларни  
шунча кам гапирасан.*


**Ванда Блоньская**

Бўсалар бемалол ўзаро фикр алмашишнинг  
ўрнини боса олади.

**Ванда Блоньская**




*«Севамчи» деган сўзни жиддий тушулма.  
Унинг қадри югуриш чизиги олдидан айтила-  
диган «тайёрман» деган хитобдан ортиқ эмас.*  
**Магделена Самозванец**




Агар эркак кўзларингга узоқ-узоқ тикилиб  
қолса, қолган жойларингни у аллақачон кўрга-  
нига ишонавер.

**Янина Ипохорская**



*Уйланиш – эркакнинг аёлга кўрсатиши  
мумкин бўлган энг катта илтифоти. Одатда  
у энг охиргиси бўлади.*

**Хелен Роуленд**



Гул дўкони кўргазмасидаги ёзув: «Чекиш ва  
аёлнинг туғилган кунини ёддан чиқариш соғлик  
учун ўта хавфлидир».

**(муаллифи номаълум)**



*Фақат сўзлар билангина эмас, гулдаста  
орқали ҳам ёлгончи бўлиш мумкин.*

**Михаил Хороманьский**



*Кичикроқ совғалар билан дўстликка, катта-  
роғи билан эса муҳаббатга эришилади.*

**Янина Ипхорская**




*Китоб – энг яхши совға, лекин совганинг  
ўзи яхшироқ.*


**Жанна Голоногова**




*Сўнгги ўн йилликнинг ғаройиботларидан  
бири: учрашувга гуллар, қутидаги шоколадлар  
ёки жавоҳирлар билан эмас, дўхтирнинг маъ-  
лумотномаси билан келиш афзал кўринади.*

**Линда Саншайн**

  
*Пул – энг яхши совго. Бошқаси эжуда қиммат.*  
(муаллифи номаълум)

  
Орзудаги муҳаббат фақат ёзишмалардагина бўлади.

**Бернард Шоу**

  
*Беш дақиқалик мактуб ўн беш дақиқалик телефон суҳбатидан афзал.*

**Фридрих Торберг**

  
Сиз аёлни ундан мактуб олмагунча билолмайсиз.

**Ада Леверсон**



*Ҳақиқий севги мактуби уни ёзган ва оладигандан бошқа ҳаммага қулғили туюлади.*

**Миртл Рид**



*Рақслар горизонтал истакларнинг перпендикуляр ифодаси.*

**Бернард Шоу**



*Урушда ва муҳаббатда ҳамма воситалардан фойдаланиш мумкин.*

**Жон Флетчер ва Фрэнсис Бомонт**



*Ёш аёлга минг битта ҳавф-хатар таҳдид солиб туради, фақат улардан бир қанчасигина унга чинакам ҳузур-ҳаловат бағишлайди.*

**Янина Ипхорская**




*Аёл киши уни танлаган эркакни ўзи танлайди.*

**Поль Жеральди**




—  —  
Сен учун севгидан бошқа ҳамма нарсага тай-  
ёрман.


Дороти Филдс

—  —  
Одоб-ахлоқ чегараси кўпинча икковлон  
томонидан бузилади.

Ян Станислав Липинский

—  —  
Ишқий можароларда овчининг ўзи ўлжа  
бўлиб қолади.

Оскар Форель

—  —  
Хотинлар бобидаги муваффақиятимнинг  
сири нимада? Хизматкор аёлларни худди хо-  
нимлар каби, хонимларни эса, худди хизмат-  
корлар каби кўраман.

Жорж Браммел



Бу хонимга ишқибозлик қилиш хавfli эди:  
бу – худди ютуқ чиқиб қолишидан хавфсираб  
ўйналадиган лотереяга ўхшарди.

Эмиль Кроткий



Аёллар эркаклардан ҳимояланишга шу  
қадар ўрганиб қолишганки, ҳужумга учрама-  
саларда-ўзлари ҳужум қилиб қолишади.

Тадеуш Гицгер



Аёллар ҳимояга ва ҳужумга муҳтождирлар.


Геннадий Малкин




Қўрққан аёл – энг хавfli. Шу боис аёллар  
осонгина қўрқадилар.

Людвиг Берне




  
Эркаклар ўзлари ёқтирган аёлни эмас, ўзини  
ёқтирган аёлни танлайдилар.


**Ежи Юрандот**

  
Ялангоч аёлнинг қўлини ўпиш вақтни бе-  
ҳуда ўтказишдир.

**Ежи Лещинский**

  
Хотинлар орқасидан югуриш мутлақо хавф-  
сиз. Фақат уларни тутиб олиш хавфлидир.

**Жак Девье**

  
Хотинлар чиройли эркакларга эмас, чи-  
ройли хотинлар билан юрган эркакларга эъти-  
бор қиладилар.

**Милан Кундера**



Хотинлар орқасидан ҳам, трамвай орқасидан ҳам чопма. Ҳамипла навбатдагиси келади.

**Итальян ҳикмати**



*Аёлни ишонтириш қийин, уни фақат кўндириш мумкин.*

**М.Грабовский**



Ақлли мушук аҳмоқ сичқондан ҳазар қилиб ўтирмайди.

**Антоний Регульский**




*Агар эркак ўзи ҳақида ёмон гапирса, ишонма: у шушчаки мақтаняпти.*

**Ванда Блоньская**

—  —


Масалага ойдинлик киритиш учун гоҳо чирокни ёқиш кифоя.

**Ришард Подлевский**

—  —


*Эркаклар қалбига унинг ошқозони орқали йўл топилади, аммо айрим аёллар бундан ҳам қисқа йўлни биладилар.*

**Жак Тати**

—  —

Ҳамма аёлларни қўлдан чиқариш қийин, аммо шунга интилиш керак.

**Жоржи Амаду**

—  —

*Қора кўзойнак кувшдан сақлайди, аммо эркакдан эмас.*

**Янина Ипохорская**



Малоҳатли аёл ҳатто пляжда ҳам дид билан  
ечинган бўлади.

**Юзеф Булатович**



*Дунё яралганидан буён ҳали биронта аёл  
узига севги изҳор қилган эркакни бўғиб ўлдир-  
маган.*

**Жан де Флориан**



Муҳаббат ҳамиша унга бўлган ишончга нис-  
батан кенгроқ тушунча. «Мен сени қанчалар  
севишимни билсанг эди!» деган оддий сўзлар  
замирида чуқур ва чексиз ҳақиқат бор.

**Вильгельм Гумбольдт**



*Аёл дил изҳорини эшитмагунча ўз туйгу-  
ларини пайқамаслиги ҳам мумкин.*

**Владислав Реймонт**



Ҳақиқий эркак телефонда «Сен мени сева-санми?» деб сўраганда «Мен ўйлаб кўришим керак» деган жавобни эшитгач, «Яхши, мен гўшакни қўймай тураман» дейди.

**Янина Ипхорская**



*Аёлга «Мен сизни севамайман» дейиш худди ёзувчига «Сиз ёмон ёзасиз» дейишдай одобсизликдир.*

**Антон Чехов**



Одатдаги ҳол – фариштага муҳаббат изҳор қиласану хизматкор аёлга уйланасан.

**Магдалена Самозванец**



*Сўзлардаги оҳанггина ишонтиради.*

**Дельфина Жиранден**

Қасамлар муҳаббатнинг бетайинлигини кўрсатади: туйғулар чинакам бўлса, қасамга ҳожат йўқ.

**Пьер Буаст**

*Муҳаббат қасамларини бузиш жазоланмайди.*

**Публиций Сир**

Бир умр севаман деб ёзма равишда қасам ичманг. Оғзаки қасам ичинг.

**Дон – Аминадо**

*Назокат севгининг эҳтиросли қасамлардан кўра энг яхши исботидир.*

**Марлен Дитрих**

Муҳаббат ҳақида ақлли гапирадиган эркак у қадар севгига қодир эмас.

**Жорж Санд**



*Муҳаббат қасамлари худди денгизчиларнинг одатини эслатади – улар биринчи кучли тўлқиндан кейиноқ унутилади.*

**Жон Узбстер**



*Сукунатдаги икки севишганларнинг суҳбатидан ҳам мароқлироқ нарса йўқ.*

**Альбер Турнье**



*Олмалар Момо Ҳаво Одам Атога нима деганини дарахт эшитиб қолган лаҳзадан бошлаб қизара бошлаган.*

**Рамон Гомес де ла Серна**



*Агар эркак аёлнинг унга айтган ҳамма гапларини эшитса, демак аёл гўзал эмас.*

**Генри Хаскинс**

*Қиз бола кула бошладими тамом, унинг  
ярми сеникидир.*

(муаллифи номаълум)

*Аёлнинг зерикканидан кўра, норози бўлга-  
ни афзал.*

Бернард Шоу

*Бўсалар авлоддан авлодга оғзаки анъана-  
лар орқали етиб келган.*

Станислав Ежи Лец

*Бўса – севгининг муҳри.*

Ганс Лобергер

*Бўсалар билан оғизни ёнадилар.*

Ванда Блоньская





Бўсалар - муҳаббат ҳароратининг ўлчагичи.  
Улар бу дарднинг қанчалар жиддий эканлигини  
кўрсатади.

**Арман Сильвестр**



*Ўта ялқовларгина ҳавойи бўсалар билан  
чекланадилар.*

**Боб Хоуп**



Аёллар учун биринчи бўса муқаддиманинг  
ниҳояси, эркаклар учун эса, ниҳоянинг бошла-  
ниши.

**Хелен Роулэнд**



*Эркаклар охирги бўсани унутворганида  
ҳам аёллар биринчи бўсани эслаб юрадилар.*

**Реми де Гурмон**



Актриса сахнада, томошабинлар кўз олдида ўпишишга шу қадар кўникиб қолдики, энди ёлғизликдаги бусалар унга ғайритабиий туюла бошлади.

**Эмиль Кроткий**



*Бусалар вергулга, суроқ белгисига ёки ундовга ухшашин мумкин.*

**Мистенгетт**



Эндиликда ўпишишдан олдин оғзидан сигаретасини олиб кўядиган эркаклар жентелмен ҳисобланади.

**Барбра Стрейзанд**



*Кичкина болакай қизларни упиш - аҳмоқлик деб ишонади. Кейинчалик унинг қарашлари ўзгаради. Аммо яна кейинчалик у биринчи фикрига қайтади.*

**Янина Ипхорская**



Ҳеч қачон аёлларнинг қўлини ўпмасди, узук-  
ни ютиб юборишдан кўрқарди.

**Жюль Ренар**



Агар сен қизни ўпиш керакми ёки йўқми  
билмасанг, ҳар эҳтимолга қарши ўпиб қўя қол.

**Янина Ипохорская**



Машина ҳайдаётганда қиз билан ўпишмай-  
дилар. Бу ҳар икки машғулот юз фоиз диққатни  
жалб қилади.

**«Пшекруй»**



Ўпаётганинда кўзларини юмиб олмайди-  
ган аёлга ишонма.

**Жексон Браун**



Қўлини ўпгинг келмайдиган аёл лабидан  
ўпишга ҳам арзимаydi.

**Феликс Хвалибуг**



*Чекадиган аёлни ўпиш худди кулдонни  
ўпиш билан баробардир.*

**Санитария шиори**



Эркакни қўлдан чиқармасликнинг энг яхши  
йўли уни қучоқдан бўшатмасликдир.

**Мэй Узст**



*Ёқимли ишни ҳамиша фойдали иш билан  
омухта қил: қизни қучоқлаётиб соатингни  
бураб қуй.*

**Янина Ипохорская**



Кўзинг етмаса - қучоқлама.

**Борис Крутиер**

*Аёллар худди болалар каби «йўқ» дейишни яхши кўришади. Эркаклар худди болалар каби буни жиддий тушунишади.*

**Янина Ипохорская**

*Эркаклар сукунати аломати раддия, аёллар сукунати аломати ризо.*

**Луи Массиньон**

*Аёл ўн саккиз тилда гапирар ва булардан биронтасида ҳам «йўқ» деган сўзни айтолмас эди.*

**Дороги Паркер**

*Аёлнинг раддияси айримларнинг ризолигидан ёқимлироқ эди.*

**Василий Ключевский**



*У аёлнинг қўлини сўради, чунки бошқа  
сўрайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди.*

**Эугениуш Коркош**



Саводли одамлар эълонлар орқали турмуш  
қура олиши мумкин, саводсизлар эса, фақат се-  
вишиб оилали бўладилар.

**Дон – Амидано**



*Кўпчилик севишиб турмуш қурадилар,  
чунки ҳисоб-китоб билан турмуш қуришга  
имкониятлари йўқдир.*

**Константин Мелихан**



Кўпчилик эркаклар яноқдаги кулдиргичга  
ошиқ бўлатуриб, яхлит қизнинг ўзига уйланиб  
қўйишади.

**Стивен Ликок**

*Севишиб турмуш қурганларнинг тунлари  
яхши, кунлари эса, беҳаловатдир.*

**Итальян ҳикмати**

*Пул учун турмуш қуриш бойлик орттириш-  
нинг энг оғир йўли.*

**Франк Хаббард**

*Севишиб турмуш қуришгина рўшнолик  
келтиради. Қиз боланинг ҳуснига маҳлиё бўлиб  
уйланиш худди бозордан зарурати бўлмаса-  
да бежирим буюмни сотиб олишга ўхшайди.*

**Антон Чехов**

*Ҳисоб-китоб билан уйланиш ҳам, агар ҳисоб-  
китоб тўғри бўлса, бахт келтириши мумкин.*

*Ҳисоб-китоб билан турмуш қуришганди,  
севишиб ажралишди.*

**Ежи Билевич**



Алангали муҳаббат – хонадон ўчоғини иситишга унчалик ярамайдиган ёқилғи.

**Хораций Сафрин**



Ҳамиша ошиқ бўлиб юриш лозим. Мана шунинг учун ҳам, ҳеч қачон уйланмаслик керак.

**Оскар Уайльд**



Эркак муҳаббатини асраб юришнинг энг яхши йўли унга турмушга чиқмасликдир.



Тўй – ибтидонинг охири ва имтиҳонинг бошланиши.

**Юзеф Булатович**



Никоҳ гувоҳномаси - имтиҳондан олдин бериладиган ҳайдовчилик ҳужжати.

**Вольфрам Вейднер**



*Тўй тантаналарида янграйдиган мусиқа  
менга ҳамيشа жанг олдидан ўтказиладиган  
ҳарбий курикни эслатади.*

Генрих Гейне

*Яна кимдир таслим бўлди – тўй мусиқаси  
янграпти.*

Януш Рось

*Оқ ранг хурсандчилик рамзи. Тўйларда аёл-  
лар оқ, эркаклар қора кийим киядилар.*

Жон Аулер

Тўйдан кейин ҳаёт борми?

Дмитрий Пашков

*Ҳамма тўйлар бир-бирига ўхшайди, аммо  
ҳамма қўйди-чиқдилар ўзича қизиқарлидир.*

Уилл Роджерс

— ❦ —

Асал ойи эр хотинига идиш-товоқларни ювишида ёрдам бермай, ўзи юва бошлаганда тугайди.

**Александр Тшаска**

— ❦ —

*Асал ойидан ҳам яхши ой ажралишидан кейинги биринчи ойдир.*

(муаллифи номаълум)

— ❦ —

Агар аёл бошингизга чиқиб олган бўлса, демак, энди уни қўлда кўтариб юришнинг ҳожати йўқ.

**Евгений Тарасов**

— ❦ —

*Никоҳ севгининг бошқа воситалар ёрдамида давом этишидир.*

**Геннадий Малкин**

— ❦ —

Яхши кўрган одаминг билан яшаш қанчалик қийин бўлса, бирга яшаётган одамингни яхши кўриш ҳам шунчалик қийиндир.

**Эдмон Ростан**

*Муҳаббат – овозсиз кино, никоҳ унинг овозли нусхасидир.*

**Марта Лаптон**

– «Сиз муҳаббат ҳақида бирон нарса биласизми?» – «Нималар деяпсиз? Мен уйланган одамман».

**Америка фильмидан**

*Бахтли никоҳ дегани, ҳамиша битта одамни кўп марта, қайта-қайта яхши кўриб қолиш демакдир.*

Эркак яхши кўриб қолгани учун уйланади. Аёл эрга тегипни истагани учун яхши кўради.

**Анри Дювернуа**

*Нега энди ўз хотинингни яхши кўриб бўлмас экан? Ахир, бегоналарни яхши кўрамиз-ку.*

**Александр Дюма-ўғил**

Жавоб севгиси бўлмаган ҳолда ўз хотининг-  
ни яхши кўриб қолишдан ёмони йўқ.

**Габриэль Лауб**

*Ўз хотинига илтифот кўрсатиш – унга  
худди қовурилган ўлжани овлашга чоғланган-  
дай бемаъни туюларди.*

Уйни саронжом-саришта тутадиган хотин-  
лар уйни эридан кўра яхшироқ кўрадиган хо-  
тинлардир.

**Янина Ипохорская**

*Никоҳ муҳаббат учун бериладиган бир умр-  
лик жазодир.*

**Рената Шуман-Фигус**



Никоҳ ҳузурбахш бўсанинг мажбурият бўса-  
сига айланиш мўъжизасидир.

**Хелен Роулэнд**



*Никоҳ ишқий саргузаштлар оралигидиги  
қисқа танаффусдир.*

**Сари Габор**



У ер шунчалик совуқ эдики, эрга тегишимга  
сал қолди.

**Шелли Уинтерс**



*Агар ўзингиз билан бирга олиб келмасан-  
гиз, никоҳда бахтни тополмайсиз.*

(муаллифи номаълум)





Аёл ўзини алдаган эркак билан турмуш  
қуришга интилади, – бундан зўрроқ ўч олиш  
бўлмайди.

**Филип де Реми Бомануар (XIII-аср)**



*Ким учундир у - жиловсиз эҳтирос, бошқа  
бирова учун эса, шунчаки хотин.*

**Хелен Роуленд**



*Никоҳ – севгидан қолган бор-йўқ ёдгорликдир.*

**Хелен Роуленд**



Ўз эрини эҳтирос билан, астойдил севган  
биронта аёлдан яхши уй бекаси чиқмаган.

**Дороти Карнеги,**

**Дейл Карнегининг хотини**

*Кейинчалик ҳам буйруқ беришим мумкин  
дея ўз котибасига уйланган одам оптимист,  
келажакка ишонувчандир.*

**Роберт Платов**

*Агар хотиним мени ростдан ҳам яхши кўрга-  
нида эди, у бошқа одамга турмушга чиққан  
бўларди.*

**«Пшекруй»**

*Дўстларинг сени қандоқ бўлсанг шундоғли-  
гингча ёқтиришади. Хотининг сени севади ва  
сендан бошқа одам ясамоқчи бўлади.*

*Қизиқувчанлик хиёнат сари ташланган  
биринчи қадам.*

**Магдалена Самозванец**



Бошқа аёлларга ёки ўз хотинига синчковлик билан тикилиш эркакларни хиёнатга ундайди.

**Жанна Голоногова**



*Эркаклар ҳаддан зиёд паришонхотирдилар, ҳанго уйланганлигини ҳам тез-тез эсдан чиқариб қўядилар.*

(муаллифи номаълум)



Эркак аёлни бошқалардан кўра кўпроқ севарди, аммо бунга ишонч ҳосил қилиш учун унга бошқалар керак эди.

**Натали Клиффорд Барни**



*Алданган эр ҳамма ерда алданган эрларни куради.*

**Марсель Пруст**



Енгилтак аёл сизни енгилтаклик билан, жиддий аёл эса, жиддий алдайди.

**Апри Рошфор**





*Хотинларимиз ва жазманларимиз учун,  
уларнинг деч қачон ўзаро учрашмаслиги учун  
ичайлик!*

**Жон Банни**



*Ўзига содиқ эди! Яна менга хиёнат қилди.*

**Эмиль Кроткий**



*Аёллар садоқатига шубҳа билан қарашга  
уларнинг эмас, ўзимизнинг хиёнатларимиз  
мажбур қилади.*

**Станислав Вапняк**




*Кўпчилик аёллар ўч олишнинг бошқача, но-  
зикроқ усулини билганларида эди, эрларига хи-  
ёнат қилмасдилар.*

**Юзеф Булатович**




*Бегона касб, бегона хотин ва бегона буюм  
ҳамиша яхшироқ кўринади.*


**Станислав Вапняк**

  
Кўзинг етмаса, хиёнат қилма.


**Жанна Голоногова**

  
*Агар хотининг сенга хиёнат қилса, қувонгин, ватанга эмас, сенга хиёнат қилгани учун.*

**Антон Чехов**

  
Агар хотинингизни олиб қўйишса, ўч олинг – хотинни рақибда қолдилинг.

**Саша Гитри**

  
*Эркакни хиёнатга ундаш учун унга турмушга чиқиш кифоя.*

**Ежи Виттлин**

  
Ҳатто жавонни очишдан олдин ҳам тақиллатиб кўргин.



*Ҳар бир эркакка ҳаётида учта аёл: онаси,  
хотини ва ловақал уни эркак деб ҳисоблайди-  
ган яна биттаси керак.*

**Данил Рудий**



*Оила пунақа яхши нарсаки, кўпчилик эркак-  
лар бир вақтнинг ўзида иккита оила қурадилар.  
Адриан Декурсель*



*Оиласи бўлган, ўз уйи – ўлан тўшагида оила-  
сидан шикоят қила оладиган одам бахтиёр-  
дир.*

**Жюль Ренар**



*Шубҳасиз, муҳаббат бор нарса, акс ҳолда  
бунча қўйди-чиқдилар қаёқдан пайдо бўлади?  
Эдгар Хау*



*Ҳозирги замон эркакларининг учта сеvim-ли машгулоти бор: телевизор, футбол ва кўйди-чиқди.*

**«Пшекруй»**



*Кўйди-чиқдидан сўнг ҳар икки хонадондаги оналар хитоб қилишди: «Ахир, мен айтган эдим-ку!»*

**(муаллифи номаълум)**



*Озгина оқилона мулоҳаза кўнгина кўйди-чиқдилар ва бундан ҳам кўпроқ никоҳларнинг олдини олган бўлур эди.*

**(муаллифи номаълум)**



Улар баҳорда турмуш қуриб, то кеч кузгача тинч-тотув яшадилар.

**Борис Брайнин**

*Ажрашаётган эркак – кейинги гал адашмайман деб ҳисоблайдиган катта оптимист.*

**Збигнев Бехек**

*Эркакни яқиндан билиш учун у билан ажрашиш керак.*

**Сари Габор**

*Бизнинг ажрашишимиз шу қадар омадли ва гўзал бўлдики, оқибат уни яна такрорлашга қарор қилдик.*

**Жанна Голоногова**

*Кўпчилик қизлар ёлғиз қолмаслик учун турмушга чиқадилар ва худди шу сабабга кўра ажрашадилар.*

**(муаллифи номаълум)**

Ҳаёт гаройиб нарса: саждагоҳ олдида ай-  
тилган бир оғиз сўз туфайли сен уйланган  
ҳисобланасан, тушингда бехос оғзингдан чи-  
қиб кетган бир оғиз сўз туфайли эса, ажра-  
шиб ўтирибсан.

Витторио Де Сика

Айрим аёллар молиявий манфаат нуқтаи на-  
заридан эрга тегадилар, бошқалари эса, худди  
шу масала туфайли ажрашадилар.

(муаллифи номаълум)

Эрталаб ўзига нонушта тайёрлашни иста-  
магани учун уйланди, икки кишига нонушта  
ҳозирлашни истамагани туфайли ажрашди.

Александр Кулич

Голливудда никоҳ ажрашиш учун етарли  
асос ҳисобланади.

Шер (Черилин Саркисян),  
америкалик актриса

*Чекишни ташлашдан кўра тўртта хотинни ташлаш осонроқ.*

**Роман Гожельский**

*Аёл ва эркак ўртасидаги дўстлик оқшом чўкиши билан заифлаша бошлайди.*

**Отто фон Бисмарк**

*Тунда ҳеч ким қизармайди.*

**Бенжамин Уичкот**

*Қоронғуда ҳамма хотинлар бир хил.*

**Эразм Роттердамский**

*– Ҳаётимдаги энг яхши кун қайси дейсизми? Бу – тун эди.*

**Брижит Бордо**

*Момо Ҳавонинг биринчи кийими ҳеч қачон моладан қолмайди.*

**Збигнев Холодюк**

# **МУҲАББАТ, БУ - ...**

**ТЎПЛОВЧИ ВА ТАРЖИМОН  
ШОДМОН ОТАБЕК**

<b>Муҳаррир</b>	<b>Шукур ҚУРБОН</b>
<b>Техник муҳаррир</b>	<b>Дилшод АКРАМОВ</b>
<b>Мусахҳиҳ</b>	<b>Ҳусан НИШОНОВ</b>
<b>Саҳифаловчи</b>	<b>Нуриддин НУРИДДИНОВ</b>

Босишга рухсат этилди 9.07.2012 й. Босмахонага  
топширилди 12.07.2012 й. Бичими 60x84 1/32.

Босма табоҳи 3. Адади 4000 нусха.

Буюртма раҳами 157.

Баҳоси келишилган нарҳда.

**МЧЖ «ИРАК ҲО‘ЛИ ОЛИГРАФ»**

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 100170. Тошкент ш., И.Мўминов кўчаси-9.